

«ТАСДИҚЛАНГАН»

«Hamkorbank» АТБнинг
2017 йил 20 майдаги
Акциондорларнинг умумий
йигилиши томонидан

Кенгаш раиси
И.Ибрагимов

Чет эл капитали иштирокидаги «Hamkorbank» Акциондорлик-Тижорат Банкининг КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ КОДЕКСИ

1.	КИРИШ	1
2.	КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ТАМОЙИЛЛАРИ	2
3.	КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ТУЗИЛМАСИ.....	4
4.	АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ МАЖЛИСИ.....	5
5.	БАНК КЕНГАШИ	5
6.	БАНК КЕНГАШИ ҚҮМИТАЛАРИ.....	7
7.	БАНК КЕНГАШИ КОТИБИ	9
8.	БАНК БОШҚАРУВИ.....	9
9.	МОЛИЯВИЙ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ	10
10.	МУҲИМ КОРПОРАТИВ ҲАРАКАТЛАР.....	11
11.	КОРПОРАТИВ ЗИДДИЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ	13
12.	БАНКНИНГ АХБОРОТ СИЁСАТИ	14
13.	ДИВИДЕНД СИЁСАТИ	14
14.	<u>ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР</u>	15

1. КИРИШ

1. Ушбу Корпоратив бошқарув кодекси (бундан кейин – Кодекс) мижозларнинг юқори сифатли банк хизматларига эҳтиёжларини тегишлича қондириш учун Банк фаолиятининг ишончлилик даражасини, ишчанлик маданиятини ошириш, унинг фаолияти устидан назоратни такомиллаштириш ва одоб-аҳлоқ нормаларига риоя қилинишини таъминлаш массадида чет эл капитали иштирокидаги «Hamkorbank» акциондорлик-тижорат банки (бундан кейин – банк) бошқарув органларининг янада самарали ишлашига кўмаклашадиган ва Банк акциондорлари, ходимлари, раҳбарияти ва бошқа манфаатдор шахсларининг манфаатларини мувофиқлаштирилган ҳолда ҳисобга олишга асосланган корпоратив бошқарувнинг асосий тамойилларини белгилаб беради.
2. Ушбу Кодекс Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИҲРТ) га аъзомамлакатлар билан келишилган халқаро Корпоратив бошқарув тамойилларига; Банк назорати бўйича Базель қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган Банк ташкилотлари учун корпоратив бошқарув бўйича тавсияномалар¹; Ўзбекистон Республикасининг "Банклар

¹ *Enhancing Corporate Governance for Banking Organisations*, Банк назорати бўйича Базель қўмитасининг Корпоратив бошқарув бўйича ишчи гурӯҳи. Халқаро ҳисоб-китоблар банки, Базель, Швейцария, июль 2005 йил.

ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (бундан кейин – Марказий банк)нинг меъерий ҳужжатлари, шунингдек Банкнинг Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

3. Ушбу Кодекснинг Қоидалари ҳозирги ва келажақдаги акциядорлар, инвесторлар ва омонатчиларнинг, шунингдек умуман жамиятнинг Банкка ишончи мустаҳкамланиши, капитал кириб келишининг рағбатлантирилиши, Банк барқарорлигининг таъминланиши, корпоратив бошқарувнинг юқори стандартлари сақланиб турилишига хизмат қилади.
4. Ушбу Кодекс Банк акциядорлари, Кенгаши, Бошқаруви аъзолари ва бошқа ходимларининг, уларнинг Банк Устави ва бошқа ички ҳужжатларидан келиб чиқадиган мажбуриятларини тўлдирувчи, улар ўз зиммаларига ихтиёрий равишда олган мажбуриятлар тўплами ҳисобланади.

2. КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ТАМОЙИЛЛАРИ

5. Банкни корпоратив бошқаришнинг самарали тизими ўз ичига қуйидагиларни олади:
 - Корпоратив қадриятлар ва одоб-аҳлоқ кодексларини ўрнатиш;
 - корпоратив стратегия (стратегик мақсадлар)ни ўрнатиш, уларнинг асосида Банк фаолиятининг натижалари ва алоҳида ходимларнинг унга қўшган ҳиссаси баҳоланади;
 - жавобгарлик, ваколатлар ва ҳисоб беришликтининг аниқ тақсимланиши, бунинг натижасида бошқарув ходимларининг кичик дарражасидан бошлаб Банк Кенгаши аъзоларигача қарорлар қабул қилишнинг иерархияси ўрнатилади;
 - Банк Кенгаши аъзолари, Бошқаруви, корпоратив маслаҳатчи ва аудиторлар (ташқи ва ички) ўртасида ўзаро алоқа механизмини ўрнатиш;
 - ички назоратнинг таъсирчан тизими, шу жумладан хатарларни бошқариш тизими;
 - банк фаолиятининг манфаатлар зиддиятлари юзага келиши мумкин бўлган соҳалари, шу жумладан Банкка нисбатан аффилирланган ҳисобланадиган қарз олувчилар, иирик акциядорлар, Бошқарув аъзолари ёки муҳим қарорларни қабул қиладиган шахслар ўртасидаги муносабатлар мониторингини олиб бориш;
 - мукофотлар, хизмат бўйича кўтариш шаклида моддий ва профессионал рағбатлантириш ва ҳоказолар;
 - ҳам Банк ичидаги, ҳам ташқи фойдаланувчилар учун тегишли ахборот оқимлари.
6. Банкда Корпоратив бошқарув қуйидаги тамойилларга асосланади:
 - Адолатлилик (ҳаққонийлик) - капиталдаги иштирок улуши ва турган жойидан қатъи назар барча акциядорларга нисбатан тенг муносабат, уларнинг хукуқларини самарали ҳимоя қилиш имкониятини бериш. Банк Кенгаши барча акциядорларга уларнинг хукуқлари бузилган ҳолларда самарали ҳимоя олиш имкониятини беради.
 - Ҳисоб беришлик - Банк Кенгашининг акциядорларга, ижро органларининг – ижро раҳбарияти (Банк Бошқаруви)га ҳисоб бериши. Ушбу тамойил Банк бошқарув органларининг ҳисоб бериши ва ваколатларининг чегараланишини, шунингдек Банкнинг акциядорларга тўла ҳисоб беришини таъминлайди, бу Банк акциядорларига Банкнинг жорий молиявий ҳолатига, эришилган иқтисодий кўрсаткичларга, фаолиятининг натижаларига, Банк бошқарув тузилмасига тааллуқли ишончли ахборотни ўз вақтида ва тўлиқ тақдим этиш йўли билан

амалга оширилади, бу эса акциядорлар ва инвесторларга асосланган қарорлар қабул қилиш имкониятини беради.

- **Жавобгарлик** – Банкнинг унинг акциядорлари, ходимлари, мижозлари ва шериклари олдидағи жавобгарлик, Банк активларини кўпайтириш, унинг барқарорлиги ва ишончлилигини ошириш мақсадларида улар билан яқин ҳамкорлик. Ушбу тамойил Банк акциядорлари ва ходимлари учун одоб-аҳлоқ меъёрларини белгилайди, шунингдек мансабдор шахслар ҳуқуқа хилоф, айбли (атайин ёки эҳтиётсизлик сабабли) ҳаракатлар қилганида ёки ҳаракатсизлигига уларга нисбатан амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгарликни кўзда тутади.
 - **Шаффоффлик** – Банкнинг ишлашига тааллуқли барча муҳим фактлар ҳақидаги ишончли ахборотни, шу жумладан унинг молиявий ҳолати, фаолиятининг натижалари, мулкининг ва бошқарувининг тузилиши тўғрисидаги ахборотни ўз вақтида ошкор қилиш, шунингдек қонунчилик ва Банкнинг ички ҳужжатлари билан кўзда тутилган тартибда манфаатдор шахсларнинг ахборотдан эркин фойдаланишини таъминлаш.
 - **Самарадорлик** – Банк Бошқаруви Банкнинг жорий фаолияти, жумладан Банкнинг самарали кадрлар сиёсатини белгилаш, ходимларининг малакасини ошириш, Банк ходимларининг меҳнатини рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоялаш, манфаатларини ҳимоялаш фаолиятига оқилона ва вижданан самарали раҳбарлик қилиши шарт.
 - **Назорат остида бўлишилик** – Банк акциядорларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадларида Банкнинг молиявий-хўжалик фаолияти устидан Акциядорлар умумий мажлиси ва Тафтиш комиссияси томонидан амалга ошириладиган назорат; Банк Кенгаши томонидан тасдиқланган сиёсат ва процедураларга мувофиқ юқори раҳбарларнинг қуи раҳбарлар устидан назорати; шунингдек хатарларга йўналтирилган ички назоратнинг самарали тизимини ўрнатиш билан бир қаторда ички ва ташқи аудиторларнинг ишидан самарали фойдаланиш.
7. Юқорида кўрсатилган тамойилларга риоя қилиш корпоратив одоб-аҳлоқнинг халқаро стандартларга мос нормалари ва анъаналарини шакллантириш ва Банк фаолиятининг кундалик амалиётига жорий этишга йўналтирилган бўлиб, улар Банкнинг акциядорлари, мижозлари ва ходимлари кўзида унинг ижобий образини яратиш, акциядорлар ҳуқуқларини янада тўлароқ амалга оширишга эришиш ва уларнинг Банк фаолияти тўғрисида хабардорлигини оширишга, шунингдек хатарларни назорат қилиш ва пасайтириш, Банк молиявий кўрсаткичларининг барқарор ўсишини сақлаш ва унинг устав фаолиятини муваффақиятли амалга оширишга кўмаклашади.
8. Ушбу кодекс тамойиллар тўпламидан иборат. Корпоратив бошқарув процедураларининг муайян тузилмалари ва амалиёти Банк Устави ва ички ҳужжатлари, шу жумладан қуидаги низомлар билан тартибга солинади:
- Акциядорларнинг умумий мажлиси тўғрисида низом;
 - Банк Кенгаши тўғрисида низом;
 - Банк Бошқаруви тўғрисида низом;
 - Тафтиш комиссияси тўғрисида низом;
 - Кенгаш қўмиталари тўғрисида низом;
 - Кенгашнинг корпоратив маслаҳатчиси тўғрисида низом;
 - Дивиденд сиёсати тўғрисида низом;

- Эмиссия сиёсати түғрисида низом;
- Ахборот хавфсизлиги түғрисида низом;
- Манфаатлар зиддиятларини тартибга солиш түғрисида низом.

*Банкнинг юқорида санаб ўтилган ички ҳужжатлари Банк назорати бўйича Базель қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган Банк ташкилотлари учун корпоратив бошқарув бўйича тавсияномаларига; Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти түғрисида”ги, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиши түғрисида”ги қонунлари, **Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг (бундан кейин – Марказий банк)** меъёрий ҳужжатлари, шунингдек Банк Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.*

3. КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ТУЗИЛМАСИ

9. Банкнинг Корпоратив бошқаруви акциядорлар, Банк Кенгаши ва Бошқарув аъзолари, шунингдек бошқа манфаатдор шахслар ўртасидаги бошқарув ва ҳисоб бериш, назорат ва масъулиятга асосланган муносабатлар тизимидан иборат.
10. Акциядорлар Умумий мажлиси банкнинг юқори бошқарув органи ҳисобланади.
11. Банкни бошқариш бўйича асосий ваколатлар Банк акциядорлари томонидан Банк Кенгашига берилади.
12. Банк Кенгаши ўз таркибидан Қўмиталар – Банк Кенгашининг Банкни ривожлантиришнинг энг муҳим соҳаларида алоҳида аҳамиятга молик бошқарув ва назорат функцияларини самарали амалга оширишини таъминлашга хизмат қиласидан ёрдамчи органларни сайлайди. Банк Кенгаши Қўмиталари ўз ваколатлари доирасида Банкнинг бошқарув ва назорат органлари, менежменти, тузилма бўлинмаларининг ходимлари, аудиторлари ва Банк фаолиятидан манфаатдор бўлган бошқа шахслар билан узвий алоқада бўлади. Банк Кенгаши қўйидаги қўмиталарни ташкил қиласиди:
 - Стратегик режалаштириш, ривожлантириш ва хатарларни бошқариш қўмитаси;
 - Аудиторлик қўмитаси;
 - Хатарлар бўйича қўмита;
 - Корпоратив бошқарув, тайинлашлар ва мукофотлар бўйича қўмита;
 - Зиддиятларни тартибга солиш қўмитаси;
 - Зарурият туғилган ҳолда Банк Кенгаши ташкил этиш мумкин деб ҳисоблайдиган бошқа қўмиталар.
13. Банкнинг жорий фаолиятига коллегиал ижро органи – Бошқарув Раиси бошчилигидаги Банк Бошқаруви раҳбарлик қиласиди.
14. Банкнинг молиявий-хўжалик фаолиятини бевосита Акциядорлар умумий мажлисига ҳисоб берадиган Тафтиш комиссияси назорат қиласиди.
15. Банк Кенгаши Корпоратив маслаҳатчиси (Котиби) – Банк органлари ва мансабдор шахсларининг акциядорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини амалга оширишини кафолатлайдиган процедура талабларига риоя қилишини таъминлайдиган, шунингдек Банкнинг Устави ва бошқа ички ҳужжатларига мувофиқ Банк органлари ўртасида ахборот билан самарали алмашинишга ва уларнинг аниқ ўзаро алоқасига кўмаклашадиган шахс.
16. Банкнинг хўжалик фаолиятини ички назорат қилиш процедуруларини ишлаб чиқиш ва самарадорлигини текшириш вазифалари Банк Кенгашига бевосита ҳисбот берадиган Ички аудит хизмати зиммасига юклатилади.

4. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ МАЖЛИСИ

17. Акциядорлар умумий мажлисини тайёрлаш ва ўтказиш тартиби Банк Устави ва Хорижий капитал иштирокидаги «Hamkorbank» Акциядорлик-Тижорат банкининг Акциядорлар умумий мажлиси тўғрисида»ги низоми билан регламентланади ва барча акциядорларга нисбатан тенг муносабатни таъминлайди.
18. Акциядорлар – овоз ҳуқуқига эга акцияларнинг эгалари Акциядорлар умумий мажлисида унинг ваколатига кирадиган масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш йўли билан Банк бошқарувида иштирок этиш ҳуқуқига эга. Банк бу кўрсатилган ҳуқуққа тегишлича риоя қилиш ва уни ҳимоя қилиш мақсадларида акциядорларга Умумий мажлис кун тартибининг ҳар бир масаласи бўйича муҳим ахборотни акциядорларга қарорлар қабул қилишга имкон берадиган ҳажмда ва муддатларда тақдим этиш, шунингдек Акциядорлар умумий мажлисини акциядорларнинг иштироқи катта моддий харажатлар ва кўп вақт сарфлаш билан боғлиқ бўлмайдиган тарзда ўтказишни ташкил этиш мажбуриятини зиммасига олади.
19. Банкнинг мулқдорлари ҳисобланадиган Банк акциядорлари Банкка нисбатан қўйидаги ҳуқуқларга эга бўлиб, Банк Кенгаши ва Бошқаруви уларга риоя қилиниши ва ҳимояланишини таъминлайди:
 - Банкни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи;
 - Банк тўғрисида ахборот олиш ҳуқуқи;
 - дивидендлар олиш ҳуқуқи;
 - Банк акцияларини бошқариш ҳуқуқи;
 - Ўз манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқи.
20. Корпоратив бошқарув тизими фақат томонларнинг ўзаро масъулияти шароитида самарали ишлашини тушунган ҳолда Банк ўз акциядорларидан Банкни узоқ муддатли ривожлантиришни таъминлаш ва барча манфаатдор шахсларнинг манфаатларини қондиришга йўналтирилган, шунингдек баъзи акциядорларнинг манфаатларини бошқалари ҳисобидан қондирилишига йўл қўймайдиган оқилона ва яхши ўйланган қарорларни кутади.

5. БАНК КЕНГАШИ

21. Банк Кенгаши ўз фаолиятини Банк Устави ва “Чет эл капитали иштирокидаги “Hamkorbank” акциядорлик-тижорат банкининг Кенгаши тўғрисида низом”га мувофиқ ташаббускорлик, ҳалоллик ва мустақил фикрлаш тамойиллари асосида амалга оширади, бунда барча ҳолларда ҳам Банкнинг энг яхши манфаатлари йўлида ҳаракат қиласида ва шаффоффлик ва ҳисоб беришлик тамойилларига риоя қиласида. Кенгашнинг ваколатлари қонунчиликка мувофиқ равиша банк Устави билан тартибга солинади.
22. Банк Кенгаши Акциядорлар умумий мажлиси томонидан сайланади ва унга ҳисоб беради. Банк Кенгаши Банк фаолиятига умумий раҳбарлик қиласида, Банк акциядорлари Умумий мажлисининг ёки Банк ижро органининг ваколатига киритилган масалаларни ҳал қилиш бундан истисно.
23. Банк Кенгаши фаолиятининг асосий мақсадлари Банкнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, Банк акциядорларининг ҳуқуқларига риоя қилиш ва қонуний манфаатларини муҳофаза қиласи, Банкнинг ижро органи устидан доимий назоратни амалга ошириш, Банк тўғрисидаги очиқ ахборотнинг тўлиқлиги, ишончлилиги ва холислигини таъминлаш ҳисобланади.
24. Банк Кенгаши ўз қарорларида барча акциядорларга нисбатан адолатли иш кўриш заруриятидан келиб чиқади. Банк Кенгаши аъзолари, уларнинг номзодлари ким томонидан таклиф этилганлиги ва акциядорлардан ким уларнинг сайланиши учун овоз

берганлигидан қатын назар, Банк манфаатлари йўлида иш кўради. Банк Кенгашининг таркиби унда акциядорларнинг турли гурухлари, жумладан миноритар акциядорларнинг вакиллари бўлишини таъминлайдиган тарзда белгиланади.

25. Қабул қилинадиган қарорларнинг объективлигини таъминлаш ва акциядорлар турли гурухларининг манфаатлари мувозанатини сақлаш мақсадида Кенгаш таркибига камида учта мустақил аъзо киради.
 26. Банк билан моддий муносабатлари бўлмаган ва унинг акциядори бўлмаган Банк Кенгаши аъзоси мустақил ҳисобланади. Қуйидаги тоифаларга жавоб берадиган Банк Кенгашининг аъзолари мустақил деб тан олинади:
 - Банкнинг аффирилланган шахси ҳисобланмайдиган, шунингдек бундай аффирилланган шахсларнинг аффирилланган шахси бўлмаган;
 - Банкнинг йирик контрагентлари (Банк билан жами битимлари ҳажми йил мобайнида Банк активлари баланс қийматининг 10 ва ундан ортиқ фоизини ташкил этадиган контрагентлари) бўлмаган;
 - Банк билан тузиладиган ва унинг шартларига кўра кўрсатилган шахслар қиймати уларнинг жами йиллик даромадидан 10 ва ундан кўпроқ фоизни ташкил этадиган мулк сотиб (пул маблағларини) олиши мумкин бўлган контракт мажбуриятлари бўйича томонлар ҳисобланмайдиган, Банк Кенгаши фаолиятидаги иштироки учун мукофот олиш ҳоллари бундан истисно;
 - давлат ҳокимиятининг вакиллари ҳисобланмайдиган;
 - Банк ва унинг филиаллари томонидан катта миқдорда молиялаштириладиган нотижорат ташкилотларининг аъзолари ҳисобланмайдиган;
 - Банк ва унинг филиаллари пенсия дастурларининг ёки акциялар бўйича опционларининг иштирокчиси ҳисобланмайдиган;
 - Банк ва унинг филиалларида мулкий манфаатдор шахслар (ёки бундай манфаатдор шахснинг бевосита бош ходими, бошлиғи, директори, акциядори ёки шериги) ҳисобланмайдиган;
 - юкорида кўрсатилган талабларга жавоб бермайдиган шахсларнинг оила аъзолари ёки бошлиқлари ҳисобланмайдиган;
 - Банк билан, банк Кенгаши аъзоси сифатидаги муносабатлардан ташқари, бевосита ҳеч қандай мулкий муносабатларга кирмайдиган;
 - акциядорларга тарқатилган ҳисоботда Кенгашнинг мустақил аъзоси сифатида кўрсатилган;
 - охирги 10 (үн) йилда Банкни бошқаришда иштирок этмаган;
 - охирги 5 (беш) йилда:
 - Банк ва унинг филиаллари билан шерикчилик муносабатида бўлмаган, Банк ва унинг филиаллари ходими сифатида ишламаган;
 - Банк Кенгаши аъзолигидан олинадиган даромаддан ташқари Банқдан бошка даромадлари бўлмаган ва бу даромад уларнинг йиллик жами даромадларининг катта қисмини ташкил этмайдиган.
27. Банк беш йилдан ортиқ вақт давомида Кенгаш таркибига кирадиган унинг аъзоси мустақил деб ҳисобланиши мумкин эмаслигини тан олади.
 28. Банк Кенгаши мажлисларини чақириш ва ўтказиш тартиби Кенгаш тўғрисидаги низом билан белгиланади.
 29. Банк Кенгаши яширин манфаатлар зиддиятини аниқлаш ва бартараф этиш тизимини яратишни таъминлайди. Банк Кенгаши акциядорлар билан доимий мулоқот олиб боради, бу уларнинг ҳукуқларига риоя қилинишини кафолатлайди ва корпоратив зиддиятларни бартараф этишга ёрдам беради.

30. Банк Кенгаши Банкни ривожлантириш стратегиясининг устувор йўналишларини белгилайди. Банк Кенгаши Банк фаолиятини назорат қилиш, шу жумладан Банк ишининг натижаларини баҳолаш ва жорий мониторингининг зарур механизмларини яратади ва қувватлайди, хатарларнинг салбий оқибатларини имкон қадар камайтириш мақсадларида хатарларни бошқариш тизимини яратиш устидан назорат қилади.
31. Банк Кенгаши Банкнинг молиявий-хўжалик фаолияти устидан назоратни таъминлайди. Шу мақсадда Банк Кенгаши ички назоратнинг самарали тизими яратилишига кўмаклашади, унинг ишлашини тизимий баҳолаб боради, шунингдек Банк ижро органи томонидан Банкнинг Ички аудит хизмати ва ташқи аудиторларининг тавсия ва **мулоҳазаларининг** тезкор бажарилишини таъминлаш чораларини кўради.
32. Банк Кенгаши Бошқарув аъзоларини сайлашнинг тушунарли ва шаффофф мезонлари ва процедуралари тизимини яратади.
33. Банк Кенгаши умуман ва Банк Кенгашининг ҳар бир аъзоси учун алоҳида ўз фаолиятини ва ўз-ўзини баҳолашнинг шаффофф тизимини яратади. Банк Кенгаши таркибига кўрсатиладиган номзодларга талабларни шакллантиради. Банк Кенгаши ўз мажбуриятларини тегишли тарзда бажариши ва Банкни бошқаришга ҳақиқий ҳисса қўшиши учун Банк Кенгаши аъзолари юқори ишбилармонлик обрўига, Банк Кенгаши ваколатига кирадиган масалалар бўйича пухта ўйланган қарор қабул қилиш учун зарур билимлар ва тажрибага эга бўлиши зарур.
34. Банк Кенгаши Банк ва акциядорларининг Банкнинг энг яхши манфаатлари йўлидаги фаолиятини тегишлича рағбатлантиришни таъминлаш мақсадларида Банк Кенгашининг ўз функцияларини бажариши билан боғлиқ мукофотлаш ва харажатларини қоплашнинг шаффофф тизимини ишлаб чиқади, уларни акциядорлар Умумий мажлисига тасдиқлаш учун таклиф этади.
35. Банк Бошқаруви Раиси, Бошқарув аъзолари ва структура бўлинмаларининг раҳбарлари Банк Кенгашининг самарали ишини таъминлаш учун Банқда ўрнатилган процедураларга мувофиқ Банк Кенгаши мажлисларининг кун тартиби масалалари бўйича ва Банк Кенгаши ҳар қандай аъзосининг сўровлари бўйича тўлиқ ва ишончли ахборотни ўз вақтида тақдим этишлари шарт.
36. Банк Кенгаши аъзолари Банк тўғрисидаги махфий ахборотни ва инсайдер ахборотни ошкор этмаслиги ва улардан шахсий манфаатлари ёки учинчи шахсларнинг манфаатлари йўлида фойдаланмаслиги зарур. Шунга мувофиқ Банк Кенгаши аъзолари бундай ахборотни муҳофазалаш чораларини кўриши керак.
37. Банк Кенгаши аъзолари уларнинг манфаатлари билан Банк манфаатлари ўртасида зиддиятлар юзага келишига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатлардан ўзини тийиши, бундай зиддият юзага келган ҳолда эса Банк Кенгашига бу зиддият тўғрисидаги ахборотни ошкор қилиши шарт.

6. БАНК КЕНГАШИ ҚЎМИТАЛАРИ

38. Банк Кенгаши ўз вазифаларини самарали амалга ошириш учун доимий ишлайдиган қўмиталар ташкил этиш хукуқига эга:
- Стратегик режалаштириш, ривожлантириш ва корпоратив бошқарув қўмитаси;
 - Аудит бўйича қўмита
 - Хатарлар бўйича қўмита;
 - Тайинлашлар ва мукофотлар бўйича қўмита;
 - Зиддиятларни бартараф этиш бўйича қўмита;
 - Банк Кенгаши зарурият туғилганида ташкил этиш мумкин деб ҳисоблайдиган бошқа қўмиталар.

39. Банк Кенгаши Құмиталари Банк Кенгаши аъзолари орасидан Банк фаолиятининг узок давом этадиган муаммоларини ўрганиш, Банк Кенгаши ваколати соҳасига кирадиган масалаларни чуқур ишлаб чиқиш, Банк Кенгаши ва Башқарувига зарур тавсияларни ишлаб чиқиш учун шакллантирилади Зарурият бўлган ҳолларда Құмиталар ишига муайян Қўмитада ишлаш учун зарур профессионал билимларга эга бўлган экспертлар жалб қилиниши мумкин.
40. Қўмита Банк Кенгаши номидан иш кўриш хуқуқига эга эмас. Қўмита қарорлари тавсия характеристига эга бўлади.
41. Молиявий ҳисоботни тайёрлаш жараёни устидан тезкор назоратни таъминлаш, қиёсий, шаффоф ва ишончли молиявий ахборот эълон қилинишини таъминлаш учун Банк Кенгаши Аудиторлик қўмитасини ташкил этади. Қўмита ички молиявий назорат тизимининг самарадорлигини; ички ва ташқи аудит функцияларининг самарадорлигини текширади, жумладан номзодларни кўрсатиш ва Банкнинг мустақил аудиторлари иш натижаларини баҳолаш; Банкнинг молиявий ҳисобот соҳасидаги қонунчилик ва тартибга солувчи органлар талабларига риоя қилиши устидан назорат процедуralарини амалга оширади.
42. Банк Кенгашининг Банкни стратегик бошқариш вазифасини амалга ошириш, узок муддатли истиқболда унинг фаолияти самарадорлигини оширишга кўмаклашадиган масалаларни ҳал қилиш, шунингдек банк акциядорлари, бошқарув органлари ва ходимлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар тизимини такомиллаштириш мақсадида Банк Кенгаши Стратегик режалаштириш, ривожлантириш ва корпоратив бошқарув қўмитасини ташкил этади;
43. Банк Кенгашига унинг банк хатарларини назорат қилиш соҳасидаги функциясини амалга ошириш, Банк хатарлари профилларини аниқлаш ва хатарларни бошқариш тизими самарадорлигини баҳолашга кўмаклашишни таъминлаш учун Банк Кенгаши Хатарларни бошқариш қўмитасини ташкил этади.
44. Банкни бошқаришга юқори малакали мутахассисларни жалб қилиш ва уларнинг муваффақиятли ишлаши учун зарур рағбатларни яратиш учун Банк Кенгаши Тайнинлашлар ва мукофотлашлар қўмитасини ташкил этади.
45. Банк акциядорлари, ходимлари ва мижозлари ва шериклари ўртасида юзага келган зиддиятларни бартараф этиш мақсадида Банк Кенгаши Зиддиятларни бартараф этиш қўмитасини ташкил этади;
46. Банк Кенгаши ҳар бир ташкил этилаётган қўмита тўғрисидаги низомни тасдиқлайди, унда Қўмита фаолиятининг мақсадлари ва вазифалари, унинг функциялари, Қўмита аъзоларининг хуқуқ ва мажбуриятлари, Қўмитани шакллантириш тартиби, қарорлар қабул қилишга талаблар ва Қўмитанинг Банк Кенгаши олдида ҳисоб бериш қоидалари белгиланади.
47. Қўмита Банк Кенгашига ўз фаолияти тўғрисида Банк Кенгаши томонидан тасдиқланган шаклда бир ойда камида бир марта ҳисобот тақдим этиш воситасида хабар бериши шарт.
48. Қўмита Банк Кенгашига ушбу Қўмита томонидан бажарилаётган вазифаларнинг амалга оширилиши тўғрисида йиллик ҳисобот тақдим этади.
49. Ижро органи Банк Кенгаши Қўмиталари аъзоларининг Банк ахбороти (хужжатлари, материаллари) дан фойдала олишларини таъминлаши шарт.

7. КОРПОРАТИВ МАСЛАҲАТЧИ – БАНК КЕНГАШИ КОТИБИ

50. Банк Кенгашининг Корпоратив маслаҳатчиси - Котиби ўз вазифаларини доимий асосда бажаради ва қўйилган вазифаларнинг қонунчилик ва Банкнинг ички хужжатларига мувофиқ бажарилишини таъминлаш учун зарур малакага эга бўлади.
51. Корпоратив маслаҳатчининг вазифаси Банк органлари ва мансабдор шахслари томонидан акциядорларнинг ҳукуқлари ва манфаатлари амалга оширилишини кафолатлайдиган процедура талабларига риоя қилинишини таъминлаш, шунингдек Банк акциядорлари Умумий мажлиси, Банк Кенгashi мажлисларини тайёрлаш ва ўтказиш, Банк тўғрисидаги ахборотни ошкор қилиш, Банк хужжатларини сақлаш, Банк томонидан акциядорларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ва Банк акциядорларининг ҳукуқлари бузилиши билан боғлиқ низоларни бартараф этиш тадбирларини амалга ошириш ҳисобланади.
52. **Банк Кенгashi Корпоратив маслаҳатчиси Банк Устави ва бошқа ички хужжатлариغا мувофиқ бошқарув органлари ўртасида аниқ ўзаро алоқани таъминлайди, шунингдек Банк Кенгashi аъзолари ва мансабдор шахсларини корпоратив бошқарув амалиёти ривожидаги янги йўналишлар тўғрисида хабардор қиласди.**
53. Самарали корпоратив бошқарув учун Банк Кенгashi ва Бошқарувчи тўғрисидаги низомларга мувофиқ банқда Бошқарув томонидан Кенгашга даврий ҳисботлар (ахборот хабарлари) тақдим этиш тартиби ишлаб чиқилган. **Кенгаш аъзолари шунингдек менежерлари ва ходимлари билан ишлашда чекланмаган имкониятларга эга.** Банк Кенгashi Корпоратив маслаҳатчиси бу жараённи ташкил этишда муҳим роль ўйнайди.
54. Банк Кенгashi Корпоратив маслаҳатчиси ўз мажбуриятларини доимий асосда тўлиқ иш куни режимида бажаради. Кенгашнинг Корпоратив маслаҳатчиси Банк Устави ва бошқа ички хужжатларининг қоидаларига мувофиқ бошқарув органлари ўртасида аниқ ўзаро алоқани таъминлайди, шунингдек Банк Кенгashi ва мансабдор шахсларини корпоратив бошқарув амалиётини ривожлантиришдаги янги йўналишлар тўғрисида хабардор қиласди.

8. БАНК БОШҚАРУВИ

55. Банкнинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш учун Бошқарув Раиси шахсида кучли лидер зарурлигини Банк тушунади. У шунингдек бошқарув жараёнида мураккаб масалаларни ҳал қилишга тўғри келишини ва уларни ҳал қилиш учун якка тартибдаги эмас, балки жамоавий ёндашув зарурлигини тан олади. Шу муносабат билан Банк Раис бошчилигидаги Бошқарув таркибини тасдиқлади.
56. Таркибига билимдон ва тажрибали шахслар кирадиган Бошқарув банкнинг жорий фаолиятига самарали раҳбарлик қилишни таъминлайди. Бошқарувнинг ҳар бир аъзоси, шу жумладан Раиси зиммаларига юклатилган мажбуриятларни тегишли тарзда бажариш учун зарур тажриба, билимлар ва малакага эга бўлади.
57. Банк Бошқаруви ўз фаолиятини Банк Устави, "Хорижий капитал иштирокидаги «Namkorbank» акциядорлик-тижорат банки тўғрисида низом"га мувофиқ амалга оширади ва Банк Кенгashi Раиси раҳбарлиги остида Банкнинг мақсадлари ва вазифаларини, стратегиясини ва бизнес-режасини бажаришга йўналтирилган жорий фаолиятини бошқарувчи Банк коллегал органи ҳисобланади.
58. Банк Бошқаруви Банк акциядорлари, мижозлари олдида ўзининг масъулиятини тушунади ва Банкнинг жорий фаолиятига унинг узоқ муддат барқарор ривожланиши ва фойда келтиришини таъминлайдиган тарзда раҳбарлик қилиш бўйича мажбуриятларини вижданан ва омилкорлик билан бажаришни ўзининг бош мақсади

деб ҳисоблайди. Банк Бошқаруви аъзолари Банк Кенгаши ва акциядорлар Умумий мажлиси қарорларининг ўз вақтида ва самарали бажарилиши учун акциядорлар олдида жавобгар ҳисобланадилар, Банк ва Банк акциядорлари манфаатлари йўлида зиммаларига юклатилган мажбуриятларни вижданан ва оқилона бажаришлари зарур.

59. Банк Бошқаруви Банкнинг молиявий-хўжалик сиёсатини ишлаб чиқади, ижро-бошқарув функцияларини амалга оширади, шу жумладан Банк, Банк филиаллари ва ваколатхоналари ишини мувофиқлаштиради, қонунчилик ва Банкнинг ички ҳужжатлари билан Бошқарув ваколатига киритилган Банк фаолияти масалалари бўйича қарорлар қабул қиласди.
60. Банк Бошқаруви ўз ваколати чегараларида Банк номидан иш кўради, Банк Кенгашига ва акциядорлар Умумий мажлисига ҳисоб беради ва улар қабул қилган қарорларнинг бажарилишини таъминлайди.
61. Банк Бошқаруви аъзолари ўртасида ваколатларни тақсимлаш ва Бошқарув аъзолари зиммасига улар зарурий билимлар ёки малакага эга бўлган фаолият йўналишлари бўйича кураторликни юклатиш Банк Бошқаруви Раиси томонидан тасдиқланади.
62. Банк Бошқаруви Раисининг ўринбосарлари Банкнинг алоҳида йўналишлар бўйича жорий фаолиятини ташкил этади. Ўринбосарларнинг мажбуриятлари ва уларнинг ҳукуклари меҳнат шартномалари, шунингдек Банкнинг ички ҳужжатлари билан тартибга солинади.
63. Банк ижро органлари таркибида иқтисодий фаолият соҳасида жиноятларни содир этишда ёки давлат ҳокимиятига, давлат хизмати ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари хизмати манфаатларига қарши жиноятларда айбор деб тан олинган шахслар, шунингдек Марказий банкнинг меъерий ҳужжатлари билан ўрнатилган малакавий талабларга мувофиқ бўлмаган шахслар бўлишига йўл қўйиб бўлмайди деб ҳисоблайди.
64. Банк Бошқаруви Раиси ва Бошқарув аъзолари уларнинг манфаатлари ва Банкнинг манфаатлари ўртасида зиддиятлар юзага келишига олиб келадиган ёки олиб кела оладиган ҳаракатлардан ўзларини тийишлари, бундай зиддият юзага келган ҳолда эса бу ҳақда Банк Кенгашига хабар беришлари зарур.

9. МОЛИЯВИЙ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ УСТИДАН НАЗОРАТ

65. Банкда амалда бўлган молиявий-хўжалик фаолияти устидан назорат тизими инвесторларнинг Банкка ва унинг бошқарув органларига ишончини таъминлашга йўналтирилган. Назоратнинг асосий мақсади акциядорларнинг қўшган маблағлари ва Банк активларини ҳимоя қилиш ҳисобланади, унга Банкда бошқарувнинг самарали ва шаффоф тизимини, шу жумладан ичке назоратни ташкил этиш воситасида эришилади.
66. Банкнинг молиявий-хўжалик фаолияти устидан назорат тизими Банк стратегиясини, даромадлар ва ҳаражатлар режасининг тегишлича бажарилишини, ички назорат тизими, банк хатарларини назорат қилиш ва бошқариш тизимининг самарали ишлашини, янги банк маҳсулотларини жорий қилиш билан боғлиқ хатарларни чеклашни, Банкнинг ҳисобга олиш ва ҳисбот тизимини яхшилашни таъминлайди.
67. Банкнинг ички назорат тизими субъектлари жорий фаолиятини Банк Кенгашининг Хатарларни бошқариш кўмитаси мувофиқлаштиради.
68. Амалдаги қонунчилик ва Банк Уставига мувофиқ акциядорлар Умумий мажлиси томонидан сайланадиган Тафтиш комиссияси Банкнинг молиявий-хўжалик фаолияти устидан назоратни амалга оширадиган органи ҳисобланади. Банкнинг молиявий-хўжалик фаолияти Тафтиш комиссияси томонидан Банкнинг йиллик фаолияти якунлари бўйича, шунингдек исталган вақтда акциядорлар Умумий мажлиси, Банк

Кенгаши қарорига кўра, Банкнинг овоз ҳуқуқига эга акцияларининг жами камида 10 фоизига эга акциядори (акциядорлари)нинг талаби бўйича ёки Тафтиш комиссиясининг ташаббуси билан тасдиқланган режага мувофиқ текширилади. Банк Тафтиш комиссиясини сайлаш тартиби, ваколатига кирадиган масалаларнинг тўлиқ рўйхати, текширишларни ўтказиш регламенти, аъзоларининг жавобгарлиги акциядорларнинг Умумий мажлиси томонидан тасдиқланадиган “Хорижий капитал иштирокидаги «Hamkorbank» акциядорлик-тижорат банкининг Тафтиш комиссияси тўғрисида низом” билан белгиланади. Тафтиш комиссияси Банқдаги ишларнинг ҳолати тўғрисида мустақил малакавий фикр шакллантиради. Тафтиш комиссиясининг фикрлари Банк акциядорлари Умумий мажлисида йиллик ҳисбот билан бирга Тафтиш комиссиясининг хулосалари шаклида акциядорларга етказилади.

69. Банк ҳар йили молиявий ҳисботларни текшириш ва ишончлилигини тасдиқлаш учун Банк ёки унинг иштирокчилари га мулкий манфаатлар билан боғлиқ бўлмаган, бундай текширувни амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган профессионал аудиторлик ташкилоти (ташқи аудитор) ни жалб қиласди. Аудитор акциядорлар умумий мажлиси томонидан тасдиқланади.
70. Банқда инвесторларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек ишончли молиявий ҳисбот мавжудлигини ва банк фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш мақсадларида банқда ички назорат тизими ташкил этилган, у молиявий ва операцион хатарларни, шунингдек мансабдор шахслар томонидан мансабни сунистеъмол қилиш эҳтимолларини тезкор аниқлаш, олдини олиш ва чеклаш имконини беради. Бу билан ички назорат тизими Банк харажатлари камайишига олиб келади ва ресурсларни самарали бошқариш ва ахборот шаффофтегига кўмаклашади. Банк хатарларни бошқариш тизимини такомиллаштиришга ва Банқда Хатарларни бошқариш бошқармасининг хатарларга йўналтирилган бўлими концепциясини ривожлантиришга жиддий эътибор беради.
71. Банкнинг Ички аудит хизмати ички назорат тизими ҳолатини ва унинг ўсиб борадиган хатарларга мослигини мониторинг қиласди. Банкнинг мустақил бўлинмаси ҳисбланади. Ички аудиторлар хатарларни бошқариш, назорат ва корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини баҳолашда ва кафолатлашда муҳим роль ўйнайди. Ички аудит хизмати функциясига ҳисботларнинг (ҳам ташқи, молиявий ва регуляцион, ҳам ички, бошқарув) аниқлиги ва ишончлилигини баҳолаш, операцияларнинг мақсадга мувофиқлиги ва иқтисодий самарадорлигини, активларнинг сақланишини текшириш, қонунчилик, тартибга солиш органларининг меъёрий хужжатлари талабларига риоя қилинишини ва Банкнинг контракт мажбуриятларини текшириш киради. Ички аудит хизмати бевосита Банк Кенгашининг Аудиторлик қўмитасига ҳисоб беради, у Ички аудит хизматининг мустақиллигини ва унинг фаолиятига, шунингдек текширувлар мазмуни ва ҳажмига Бошқарув ва Банкнинг бошқа бўлинмалари раҳбарларининг аралашувига йўл қўймасликни таъминлайди.

10. МУҲИМ КОРПОРАТИВ ҲАРАКАТЛАР

72. Банкнинг ҳуқуқий мақоми ва унинг мулки ўзгаришига олиб келиши ёки Банк ва унинг акциядорлари манфаатларига жиддий тарзда таъсир қилиши мумкин бўлган ҳаракатлар муҳим корпоратив ҳаракатлар ҳисбланади.
73. Банк фундаментал корпоратив ўзгаришларга, шу жумладан акциядорларнинг ҳуқуқлари ўзгаришига олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатларни амалга оширишга талабларни белгилайди.
74. Ушбу талаблар акциядорларнинг муҳим корпоратив ҳаракатларни амалга оширишга таъсир қилиш имкониятини таъминлаш учун ўрнатилади ва уларни амалга ошириш

процедурасининг шаффоғлигига ва Банк учун уларни амалга оширишнинг оқибатлари тұғрисидаги ахборотнинг тегишлиға ошкор қилинишига асосланған бўлади.

75. Қуйидагилар муҳим корпоратив ҳаракатлар деб тан олинади:

- **Банкни қайта ташкил этиш ва тугатиш**. Банкни қайта ташкил этиш ва тугатиш тұғрисидаги масалаларни киритиш акциядорлар Умумий мажлисининг ваколатига киради. Банкни қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби амалдаги қонунчилик ва банк Устави билан белгиланади. Банк акциядорлар Умумий мажлисининг қарорига кўра Марказий банкнинг розилиги билан қўшилиш, бирлашиш, ажралиш, ажралиб чиқиш, қайта ташкил этиш шаклида ўз ихтиёри билан қайта ташкил этилиши мумкин. Банк қайта ташкил этиладиган ҳолда Банкнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари амалдаги қонунчиликка мувофиқ унинг ҳуқуқий ворисларига ўтади. Банк амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган тартибда ва процедураларга мувофиқ тугатилади ва Банк фаолиятини ҳуқуқ ва мажбуриятларни ҳуқуқий ворисга ўтказмасдан тугатишга олиб келади.
- **Банк оддий акцияларининг 20 фоиздан ортиғини сотиб олиш**. Бир ёки бир нечта битим натижасида юридик ёки жисмоний шахс ёки ўзаро битим билан боғлиқ бўлган ёки бир-бирларининг мулкини назорат қиладиган юридик ва жисмоний шахслар гурӯҳи томонидан Банк акцияларининг беш фоизидан ортиғини сотиб олиш Марказий банкка хабар бериш, йигирма фоизидан ортиғини сотиб олиш эса – олдиндан Марказий банкнинг розилигини олишни талаб этади.
- **Йирик битимлар, шунингдек амалга оширишда манфаатдорлик бўлган битимлар, Банк билан боғлиқ шахслар билан боғлиқ битимлар, ностандарт ва имтиёзли битимлар тузиш**. Банк йирик битимлар улар амалга оширилишидан олдин тегишли бошқарув органлари томонидан маъқулланиши учун барча зарур чораларни кўради. Банк амалга оширилишида манфаатдорлик мавжуд бўлган битимларни тузмасликка интилади. Бундай битимлар тузиладиган ҳолларда Банк аффилирланган шахслар ва битимлар тұғрисидаги ахборотни ошкор қиласи. Банкнинг ижро органи Банк активларининг сифати атайин ёмонлашишининг олдини олиш мақсадларида банк операцияларини ва Банк билан боғлиқ шахслар билан тузиладиган битимларни, ностандарт ва имтиёзли битимларни амалга ошириш механизмлари ва процедураларини ишлаб чиқади.
- **Банк устав капиталини камайтириш ёки ошириш**. Банк устав капитали қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан оширилиши мумкин. Банк устав капитали акцияларнинг номинал қийматини пасайтириш ёки уларнинг умумий микдорини қисқартириш йўли билан, шу жумладан Банк томонидан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик тўлаш шарти билан сотиб олиш йўли билан камайтирилиши мумкин. Банк Уставини унинг устав капиталига тегишли бандларига ўзгартириш киритиб ўзгартириб, Банк Кенгашининг қарори асосида Банк устав капиталини ошириш тұғрисида қарорлар қабул қилинади. Устав капиталини камайтириш ва Банк Уставига тегишли ўзгартишларни киритиш тұғрисидаги қарор акциядорлар Умумий мажлиси томонидан қабул қилинади.
- **Банк Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиши**. Банк Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Банк Уставини янги таҳрирда тасдиқлаш акциядорлар Умумий мажлисида иштирок этаётган акциядорлар – овоз ҳуқуқига эга акциялар эгаларининг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик овози билан қабул қилинган акциядорлар Умумий мажлисининг қарори бўйича амалга оширилади, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тұғрисида»ги Қонун билан кўзда тутилган ҳоллар бундан истисно. Банк Уставига Банк устав капиталини ошириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар Банк Кенгашининг бир овоздан қабул қилинган қарори асосида киритилади.

- **Банкнинг минтақавий тузилмаларини кенгайтириш (филиаллар, ваколатхоналар ташкил этиш ва ҳоказо)**. Банкнинг филиалларини ташкил этиш, ваколатхоналарини очиш, шунингдек Банк филиаллари ва ваколатхоналари фаолиятини тұхтатиши түрлесиде қарорлар қабул қилиш Банк Кенгаши ваколатига киради.
- **Фундаментла корпоратив үзгаришларга олиб келиши мүмкін бўлган бошқа ҳаракатлар ва ҳодисалар.**

76. Банк учун муҳим корпоратив ҳаракатлар ва уларни амалга оширишнинг оқибатлари түрлесидаги ахборот амалдаги қонунчилик ва Банк Устави талабларига мувофиқ ошкор қилиниши керак.

11. КОРПОРАТИВ ЗИДДИЯТЛАР (НИЗОЛАР)НИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

77. Банк унинг манфаатларига даҳлдор корпоратив зиддиятлар (Банкнинг бошқарув органлари ва акциядорлари, бошқа манфаатдор шахслар ўртасидаги ёки акциядорлар ўртасидаги келишмовчиликлар ва низолар)нинг ўз вақтида олдини олиш ва адолатли бартараф этишга катта аҳамият беради.

78. Банк корпоратив зиддиятларга нисбатан қуйидаги тамойилларга амал қиласди:

- Корпоратив зиддиятларда Банкнинг позицияси Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги қоидаларига асосланади;
- Банк корпоратив зиддиятларни улар юзага келишининг эрта босқичларида судгача етказмасдан бартараф этишга интилади;
- Банк зиддиятларни тезроқ аниқлаш ва Банк барча органларининг зиддиятни имкон қадар қисқа муддатларда бартараф этиш бўйича ҳаракатларини мувофиқлаштириш чораларини кўради;
- Банк албатта акциядорга тўлиқ батафсил ва асосланган жавоб тақдим этади;
- Зиддиятни бартараф этиш ишлари акциядорнинг бевосита иштирокида тўғридан-тўғри музокаралар ёки у билан ёзишмалар йўли билан олиб борилади.

79. Банк корпоратив зиддиятларни бартараф этишда ўз бошқарув органларининг ваколатларини уларнинг у ёки бу масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш бўйича ваколатларига мувофиқ равишда аниқ чегаралашни таъминлайди.

80. Корпоратив зиддиятни баҳолаш обьективлигини таъминлаш ва уни самарали бартараф этиш учун шароитлар яратиш мақсадларида бу зиддият манфаатларига даҳл қиласидиган ёки даҳл қилиши мүмкін бўлган шахслар ушбу зиддият бўйича қарорлар қабул қилишда иштирок этмаслиги зарур.

81. Банк аффилирланган шахслар билан амалга ошириладиган операцияларнинг шаффоғлиги устидан Банк Кенгашининг назоратини манфаатлар зиддиятининг олдини олиш соҳасидаги сиёсатининг муҳим элементи деб ҳисоблайди.

82. Корпоратив зиддиятда томонлардан бири бўлган акциядорларнинг розилиги билан, Банкнинг бошқарув ва назорат органлари аъзолари акциядорлар ўртасидаги музокараларда иштирок этиши, акциядорларга уларнинг ихтиёрида бўлган ва зиддиятта тааллуқли ахборотни ва хужжатларни тақдим этиши, акциядорлик бўйича қонунчилик ва Банкнинг ички хужжатлари меъёрларини тушунтириши, акциядорларга маслаҳат ва тавсиялар бериши, акциядорлар имзолаши учун зиддиятларни бартараф этиш түрлесидаги хужжатларнинг лойиҳаларини тайёрлаши, Банк номидан ўз ваколатлари доирасида акциядорлар олдида ўз зиммаларига зиддиятнинг бартараф этилишига кўмаклашиши ва Банк манфаатларида хизмат қилиши мүмкін бўлган даражада мажбуриятлар олиши мумкин.

83. Банк кенгаши Банкнинг зиддиятларни мувофиқлаштириш ва бошқариш бўйича фаолиятини мувофиқлаштиради.

12. БАНКНИНГ АХБОРОТ СИЁСАТИ

84. Банк акциядорлар ва бошқа манфаатдор шахсларга Банқда иштирок этиш ёки Банкнинг молиявий-хўжалик фаолиятига таъсир қила оладиган бошқа ҳаракатларни амалга ошириш тўғрисида пухта ўйланган қарорлар қабул қилиш учун зарур ҳажмда ўз фаолияти тўғрисида мунтазам ахборот тақдим этиб боради. Банк транспарентлик шароитларида банкнинг фаолияти корпоратив бошқарув тизимининг самарадорлигини, шунингдек Банк Кенгаши ва Бошқарувининг акциядорлар ва бошқа манфаатдор томонлар олдидағи ўз ҳаракатлари учун жавобгарлиги ва масъулиятини кучайтиришини тан олади.
85. Банк ахборотни ишончлилик ва аниқлик, фойдаланиш эркинлиги, тезкорлик, тўлиқлик ва даврийлик, барча манфаатдор шахслар учун бир хил ахборотдан эркин фойдаланишнинг тенг имкониятларини таъминлаш, шунингдек амалдаги қонунчилик, Банк Устави ва бошқа ички ҳужжатларида кўзда тутилган Банкнинг очиқлиги ва унинг тижорат манфаатларига риоя қилиниши ўртасида оқилона мувозанатни саклаш тамойиллари асосида ошкор қиласи.
86. Банк ўз ичига корпоратив бошқарув тўғрисидаги бўлимни олган батафсил йиллик ҳисоботни эълон қиласи, шунингдек корпоратив бошқарув бўйича ўз амалиёти тўғрисидаги ахборотни ва бошқа муҳим ахборотни амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган усууллар билан ошкор қиласи. Банк Интернет тармоғидаги ўз сайтида қонунчиликда кўзда тутилганидан ташқари қўшимча ахборотни жайлashingтиради, чунки ушбу манба манфаатдор шахсларнинг Банк тўғрисидаги ахборотни олишининг энг ҳаммабоп ва кам ҳаражатли усули ҳисобланади.
87. Банк ўзи ҳақидаги салбий ахборотни, агар бундай ахборот акциядорлар ва потенциал инвесторлар учун муҳим ҳисобланадиган бўлса, ошкор қилишдан бош тортмайди.
88. Банк раҳбарияти ва ходимлари Банк фаолияти тўғрисидаги уларга маълум бўлган маҳфий, инсайдер ва бошқа хизмат ахборотини ошкор этмаслик мажбуриятини зиммаларига оладилар, шунингдек ундан Банқда ўз вазифаларини бажараётган даврда ҳам, Банқда ишлашни тўхтатгандан сўнг ҳам ўз манфаатлари ёки учинчи шахсларнинг манфаатлари йўлида фойдаланмаслик мажбуриятини оладилар. Инсайдер ахборот билан ишлаш ва ундан фойдаланиш тартиби Банк Кенгаши томонидан ўрнатилади.

13. ДИВИДЕНД СИЁСАТИ

89. Банкнинг дивидендларни ҳисоблаш, эълон қилиш тартиби, уларнинг миқдори, шакли ва тўлаш муддатларига нисбатан сиёсати Банк Устави ва "Хорижий капитал иштироқидаги «Hamkorbank» акциядорлик-тижорат банкининг дивиденд сиёсати тўғрисида низом"да белгиланган.
90. Банк дивиденд сиёсатининг асосий тамойиллари қуйидагилар ҳисобланади:
- дивиденд тўловларининг миқдорларини белгилашда Банк ва унинг акциядорлари манфаатларининг мувозанати;
 - Банкнинг инвестицион жозибадорлигини, молиявий барқарорлигини, капиталлашувини ва ликвидлигини ошириш;
 - Киритилган капиталнинг бозорда даромадлиигини таъминлаш;

- акциядорлар ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва қатъий риоя қилиш ва уларнинг фаровонлигини ошириш.
91. Банк соф фойданинг ўзининг ривожланиши учун етарли маблағларни сақлаб қолиш имконини берадиган ҳажмдаги бир қисмини дивидендларни тўлашга йўналтириши мумкин.
 92. Йиллик дивидендларни тўлаш тўғрисидаги қарор Банк Кенгашининг тавсияси бўйича Акциядорлар умумий мажлиси томонидан қабул қилинади. Банк учун кутилмаган салбий вазиятлар мавжудлигида Банк Кенгashi Банкнинг Акциядорлар умумий мажлисига дивидендларни тўлаш (эълон қилиш) тўғрисида қарор қабул қилмасликни тавсия қилиши шарт.
 93. Эълон қилинган дивидендларни тўлаш Банкнинг мажбурияти ҳисобланади. Юқорида кўрсатилган Низомда акс этган нормаларни ҳисобга олган ҳолда Банк акциядорлари олдиради бу мажбуриятни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўлади.

14. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

94. Ушбу Кодекс Банк Кенгashi ва Акциядорлар умумий мажлиси тасдиқлаган вақтдан бошлаб амал қиласди.
95. Ушбу Кодекснинг қоидалари Банкнинг барча ходимлари, шу жумладан Банкнинг ижро органлари (Банк Бошқаруви Раиси ва аъзолари) ва Банк Кенгashi аъзолари учун бажарилиши мажбурий ҳисобланади.
96. Ушбу Кодекс қоидаларига риоя қилиш ва унинг қоидалари Банк фаолиятига мувофиқлигини мониторинг қилиш, шунингдек Кодекс қоидаларини иш амалиётига фаол жорий қилиш мақсадларида Банк йиллик ҳисоботида Банкнинг Кодекс қоидаларига содиқлиги тўғрисидаги ахборотни ошкор қилиб боради.
97. Банк ходимлари, шунингдек банк Кенгashi аъзоларининг ушбу Кодекс қоидаларини бузиши уларни амалдаги қонунчиликка мувофиқ интизомий жавобгарликка ва ҳуқуқий жавобгарликнинг бошқа турларига тортиш учун асос бўлиши мумкин.
98. Банк акциядорлар, Банк ва бошқа манфаатдор шахсларнинг манфаатларига амал қилган ҳолда ушбу Кодексни амалдаги қонунчиликдаги ўзгаришлар ва халқаро ҳамда миллий амалиётда корпоратив бошқарувнинг янги стандартлари пайдо бўлишини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириб боради.
99. Ушбу Кодексда келтирилмаган масалалар амалдаги қонунчилик, Банк Устави ва бошқа ички ҳужжатлари билан тартибга солинади.